

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ



Тошкент давлат аграр университети - 90 ёшда: тариҳ, бугун ва истиқбол



ТОШКЕНТ 2020

**THE MINISTRY OF AGRICULTURE OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN
TASHKENT STATE AGRARIAN UNIVERSITY**

**МИНИСТЕРСТВО СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

PROCEEDINGS
of the international conference dedicated to the 90th anniversary of the establishment
of Tashkent state agrarian university
**“ACTUAL THEORETIC - PRACTICAL PROBLEMS AND THEIR
SOLUTIONS IN THE AGRICULTURAL SCIENCE”**
14-15 December, 2020 y.

СБОРНИК
международной конференции, посвящённой 90 летию образования
Ташкентского государственного аграрного университета
**«АКТУАЛЬНЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ
АГРАРНОЙ НАУКИ И ИХ РЕШЕНИЕ»**
14-15 декабря, 2020 г.

**АГРАР ФАН НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИДАГИ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**
“Тошкент давлат аграр университети ташкил этилганлигининг 90 йиллигига”
бағишиланган халқаро конференциянинг
МАТЕРИАЛЛАР ТҮПЛАМИ
2020 йил 14-15 декабрь

Tashkent, Uzbekistan

УЎТ: 338.621: 65+631+633.51+37:632.576.7

“Тошкент давлат аграр университети ташкил этилганлигининг 90 йиллигига” бағишенган “Аграр фани назарияси ва амалиётидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари” мавзусидаги халкаро **конференциянинг материаллар тўплами**

Мазкур тўпламда республикамиз аграр соҳани янада баркарор ривожлантиришда чукур назарий, ҳамда инновацион тадқиқотлар олиб бориш бўйича фикр алмасиши, тайёрланаётган ёш талаба кадрларни аграр соҳада эришилган ютуклар, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар билан якиндан танишириш ва уларни бу соҳага жалб килиш асосида юкори малакали кадрларни тайёрлашга каратилган масалалар ҳақидаги материаллар ўрин олган. Шунингдек, ёш кадрларга таълим беришда олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, “Устоз-погирд” анъаналари асосида узвий тадқиқотлар олиб боришдаги янгича йўналишлар, тажриба натижалари акс эттирилган.

Тўплам профессор-ўқитувчилар, талаба ва магистрантлар, ишлаб чиқарувчилар, лойиҳалаш корхоналари, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари илмий ходимлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбар ва мутахассислари учун мўлжалланган.

Тўплам 2020 йил 14-15 декабрь кунлари Тошкент давлат аграр университети халкаро конференцияси якунига бағишлиб ўтказилган йигилиш баённомасининг қарорига мувофиқ нашрага тайёрланди.

Масъул мухаррир:
б.ф.д., академик Б.А.Сулеймонов

Тақризчилар:
ТДАУ профессори, к/х.ф.д. **Х.Н.Атабаева**
ЎзФА мухбир аъзоси, б.ф.д., профессор **С.А.Рахмонқулов**

Таҳрир ҳайъати ва ташкилий қўмита аъзолари:

Б.Сулеймонов, Э.Торениязов, А.Жўраев, Ш.Хасанов, К.Султонов, А.Абдувасиков, С.Исламов, Р.Турдибоева, И.Истроилов, Т.Шамсиддинов, А.Ҳакимов, Ч.Беккамов, С.Шарипов, А.Анорбоев, М.Каримов, И.Нормуротов, Ж.Худойқулов, М.Рахмонқулов, Э.Бердиев, Н.Норалиев, М.Сайдов, Р.Дустмуротов, З.Маркаев

Тўпламни нашрага тайёрловчи:
Ж.Рустамов – ТДАУ, “Агрологистика” кафедраси таянч докторанти

*Мақола мазмуни ва унда келтирилган фактлар ва рақамларнинг тўғрилиги учун
муаллифлар жавобгардир.*

III

Qaror qabul qilishga yordam beruvchi tizimlarida kognitiv texnologiyalar <i>Nusratov T.S., Abdullayev B.Sh., Yusupov M.S.</i>	707
Разработка пид-регулятора для автоматической системы очистки воды <i>Озодов Э.О.</i>	711
Повышение качества семян за счёт применения вибропневматического сепарирования <i>Поздняков В.М., Зеленко С.А.</i>	716
Ерларни текис шудгорлайдиган бурилма плуг осиши қурилмаси параметрларини ҳайдов чукурлигининг бир текислигига таъсири <i>Байметов Р.И., Гайбуллаев Б.Ш., Мамажанов Ш.О.</i>	721
Моделирование процесс фильтрация жидкости в трехслойной взаимодействующих напорных пористых слоях <i>Равшанов Н., Аминов С.М.</i>	726
Техническое состояние и методы улучшения пропускной способности канала «Анасай» <i>Сапаров А.Б.</i>	732
Математические методы вспашки земель <i>Сафаров Б.К.</i>	736
Анализ использования водно-земельных ресурсов в бассейне аральского моря в туркестанской области <i>Султанбекова П.С., Уралов Б.К., Ахилбеков Г.Л.</i>	739
Algorithm for conducting pre-design research and modeling of information systems <i>Khujakulov T.A., Orifjonova U., Gaipnazarov R.T., Azimova U.</i>	744
Новый спектрофотометрический метод определения микроколичеств ионов цинка <i>Турабов Н.Т., Тоджисев Ж.Н.</i>	749
Қишлоқ хўжалигига қўлланилаётган маший жиҳозлар ва уларга бўлган эҳтиёжларнинг тахлили <i>Турғунов З., Саттаров Х.А., Кобилжонов О.Ф.</i>	754
Такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг ишлов бериш чукурлиги бўйича барқарор ҳаракатини таъминлаш <i>Тўхтақўзиев А., Расулжонов А.Р., Алланазаров М.А.</i>	759
Проблема засоления сельскохозяйственных угодий в устьевых Узбекистана <i>Хужсакулов Т.А., Орифжонова У., Гашназаров Р.Т., Азимова У.</i>	765
Асутп и технологии LoRaWan в структуре гис <i>Усманов А.М., Юсупов М.С.</i>	769
Гидрология фани ривожланишининг назарий ва амалий асослари <i>Фармонова М.А., Шамсиев Н.А.</i>	773
Предварительные испытания опорно-домкратного приспособления при замене смененных кузовов тракторного прицепа в условиях фермерских хозяйств <i>Хажиев А., Нишианбоеев Н.Н.</i>	779
Масофаий ўқитишнинг амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказишида юзага келадиган камчиликларни бартараф этиш бўйича баъзи бир мулоҳазалар <i>Хайтбоев К., Султанов Г.</i>	786

ГИДРОЛОГИЯ ФАНИ РИВОЖЛАНИШИНинг НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Фармонова Мадина Аъзамовна

Ўқитувчи, Бухоро давлат университети,

Шамсиев Наим Амонович

Катта ўқитувчи, Бухоро давлат университети

THEORETICAL AND PRACTICAL BASIS OF THE DEVELOPMENT OF THE SCIENCE OF HYDROLOGY

Annotation

The article describes the purpose, objectives, subject of hydrology, the results of scientific research carried out by domestic and foreign scientists in its development. In the article you can get acquainted with the methods of hydrology research.

Key words: *atmosphere, lithosphere, biosphere, glaciology, rheumatology, hydrometry, hydrography.*

Аннотация

Ушбу мақолада гидрология фанининг максади, вазифаси, предмети, унинг ривожланишида юртимиз ва хориж олимларининг олиб борган илмий изланишлари натижалари бўйича маълумотлар ёритилган. Мақолада гидрология фанининг тадқикот усуллари билан тўлик танишишингиз мумкин.

Калим сўзлар: *атмосфера, литосфера, биосфера, гляциология, талматология, гидрометрия, гидрография.*

Мавзунинг долзаблиги. XXI асрнинг боши табиий сувларнинг инсоният жамияти хаётидаги ролининг ортиши билан тавсифланади, бу озиқ-овкат, энергетика ва экологик инкиrozни кучайтирадиган даврга кирди. Ушбу мавзуга оид маълумотлар билан ишлашнинг асосий сабабларидан бири шундан иборатки, республикамизда борган сари гидрология фанига унинг ривожланишига кенг қамровли ёндашувнинг камлигидандир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари, ва узок чет элларда ушбу фан соҳасида шу кунгача эришилган натижалар, уларнинг ҳозирги холати доимий ўрганилиб борилмокда.[1]

Гидрология ер тўғрисидаги фанлар туркумига киради. "Гидрология" юончча сўз бўлиб, "gidro"-сув, "logos"-билим ёки таълимот деган маънони беради. Умумий килиб айтганда гидрология сув ҳақидаги фандир.

Ер куррасининг сув кобиғи-гидросфера бир неча кисмлардан ташкил топган ва унданда ҳар бир сув обьекти факат ўзига хос хусусиятларгагина эга бўлади. Шу сабабли гидрологияга кенгрок маънода куйидагича таъриф бериш мумкин: гидрология-гидросферадаги сувларни, яъни океанлар ва денгизлар, дарёлар ва кўллар, доимий қорликлар ва музликлар, ботқоқликлар, ер ости сувлари, уларнинг жойлашиши, хусусиятларини хамда уларда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнларнинг атмосфера, литосфера ва биосферадаги бошқа ҳодисалар билан ўзаро алокасини ўрганувчи фандир.

"Гидрология" фанининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

1. Гидросфераадаги жараёнларининг эш умумий конуниятлари ҳакида түшүнчә бериш, гидросферанинг атмосфера, литосфера билан алоқасы ҳакидағы маълумотларни ўргатиш;

2. Биосфера эса талабаларга географик таксимотнинг конуниятлари, турли хил сув ҳавзалари: музликлар, ср ости сувлари, дарёлар, күллар, сув омборлари, ботқоқлар, оксанлар ва деңгизлар, уларининг асосий географик ва гидрологик хусусиятлари билан ташишириш;

3. Сув ҳавзаларини ўргапиптиг асосий усуллари ҳакида түшүнчә берип;

4. Сув ҳавзаларини ва гидрологик жараёнларни геогидрологик ўрганишнинг иктисодий жиһатларни ҳал қилинда амалий ахамиятини күрсатиш, табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари түшүнтиришдир.

Сув табиатта көп тарқалған. Ер юзиштеги кариб 3/4 қисмити ташкил қиласы. Гидросфера - океанлар, деңгизлар, күллар, сув ҳавзалари, дарёлар, ер ости сувлари, тупроқлар намини ўз ичиға олған. Ернинг сувлі пүсти 1,4-1,5 млрд. км³ ни ташкил етади. Атмосферада сув бүгін, туман, булат, ёмғир, кор ҳолатыда бўлади. Куруқликнинг 10% га яқин қисми муз билан қоплашган. Литосфераада гидросферадаги якш миқдорда, яны 1-1,3 млрд. км³ сув бор. Ер мантиясида улкан миқдорда (13-15 млрд. км³) сув бор. Барча тирик организмлардаги сув ер юзидағи дарёлар сувининг ярмига тенг. Ердаги ҳамма сув бир-бiri билан ва атмосфера, литосфера, биосферадаги сув билан ўзаро таъсирида бўлади.[3]

Гидрология фаси ўрганишадиган сув объектларининг турига кўра иккى қисмга океанология (океанлар, деңгизлар гидрологияси) ва қуруқлик гидрологиясига бўлилади.

Океанология океанлар ва деңгизларнинг умумий хусусиятларини ҳамда уларда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнларни атроф-муҳит билан алоқадор ҳолда ўрганади.

Куруқлик гидрологияси эса ўз навбатида дарёлар гидрологияси (потамология) кўллар ва сув омборлари гидрологияси (кўлипупослик-лимнология), музликлар гидрологияси (гляциология) ва ботқоқликтар гидрологияси (талматология)га бўлиниди. Кўп ҳолларда гидрология деганда қуруқлик гидрологияси назарда тутилади.

Гидрологиянинг бош вазифаларидан бири сув объектларининг гидрологик режимини ўранишдан иборатидир. Ўрганишадиган муаммолари ва тадқиқот усуллариша қараб ҳамда сув ресурсларидан фойдалантип бўйича тарихан вужудга келген масалаларни ҳал этиши билан боғлик ҳолда гидрологиядан унинг бир неча бўлимлари - гидрометрия, гидрография, гидрологик ҳисоблашлар, гидрологик башорат (прогноз)лар кабиллар мустакил фан спидатида ажрашиб чиқсан. Охириги иккى фан, баъзан, умумий ном билан муҳандислик гидрологияси деб ҳам аталади.

Гидрометрия-гидрологиянинг ўлчов қисми бўлиб, сув объектларининг гидрологик режими элементлари (сув сатҳи, сув сарфи, сувнинг тезлиги, сув юзаси нишаблиги)ни ўлчаш, кузатиш услубларини ишлаб чиқиши ва уларни бевосита амалга ошириш ишлари билан штукулланади.

Гидрография-эса маълум худуддаги сув объектларининг ўзига хос хусусиятларини жойнинг табиий географик шароити билан боғлик ҳолда ўрганиб, уларга гидрологик ва ҳалк хўжалигидаги ахамияти нутқаи назаридан ёндошган ҳолда ёзма тавсиф беради.

Гидрология ҳисоблашлар ва гидрологик башоратлар (муҳандислик гидрологияси)-сув объектларининг турли гидрологик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиши билан штукулланади. Бу усуллар сув ҳавзалари табиий ҳолатини ўзgartириш ёки аникроғи, улардан фойдаланиш, шунингдек гидротехник иншоатларни лойиҳалаш, куриш ишлари билан боғлик бўлган муаммоларни ҳал этишда кўлланипади.

Бизга маълумки, табиий сувлар (булоклар, сойлар, дарёлар, кўллар, музликлар, ер ости сувлари) географик мухитнинг асосий компонентларидан биридири. Маълум бир худудда мавжуд бўлган барча турдаги сувлар шу худуднинг асосий табиий бойликларидан бири-сув ресурсларини ташкил этади. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб сайёрамизнинг анча кисмида шу ресурслардан кишлок хўжалиги, саноат, истеъмол учун олинадиган ва сув обьектларига қайта ташланадиган окава ҳамда чикинди сувларнинг кўлами шу даражага етдики, улар ҳажми ва сифати бўйича табиий ҳолда тиклана олмаяпти. Мазкур муаммо туфайли гидрология фани олдида сув ресурслари ва атроф-муҳит муҳофазасига таалукли куйидаги янги вазифалар пайдо бўлди:

- 1) сув ресурсларини микдоран тежаш ва сифат жиҳатдан муҳофаза килиш;
- 2) табиий ва антропоген омиллар таъсирида уларнинг ўзгариш конуниятларини ўрганиш;
- 3) амалга оширилаётган сув хўжалиги тадбирлари (мелиорация, ирригация, гидроэнергетика, сув ресурсларини худудлар бўйича қайта таҳсиллаш ва ҳоказолар)ни иқтисодий ва экологик нұктан назардан асослаш учун керакли гидрологик маълумотлар билан таъминлаш.

Гидрология дарёлар ва бошқа турдаги сув ҳавзаларида кечадиган химиявий ва биологик жараёнларни ҳамда улардаги сув массаларининг табиий хусусиятларини, сифатини ва биологик ресурсларини гидрофизика, гидрохимия (сув кимёси), гидробиология фанлари билан ҳамкорликда ўрганади. Сув ҳавзаларида кузатиладиган харакатлар (сув оқимлари) конуниятларини ўрганишда гидродинамика ва гидравлика конууллари ва усулларидан, гидрологик ҳисоблашлар ва башоратларда эса маҳсус математик усуллардан ва замонавий ҳисоблаш техникаси ва компьютер технологиясидан кенг фойдаланилади.

Тадқиқот усуслари

Сув ҳавзаларида кечадиган ҳодисалар конуниятларини тўла ўрганиш, тегишли хулосалар чиқариш ва улардан амалда самарали фойдаланиш мақсадида гидрологияда турли тадқиқот усусларидан фойдаланилади. Улар ичида енг асосийлари стационар, экспедиция ва тажриба-лаборатория усуллариридир.

Стационар усулда сув обьектлари (дарёлар, кўллар, музликлар)нинг гидрологик режими элементлари кўп йиллар давомида куннинг маълум белгиланган соатларида мунтазам равишда кузатиб борилади.

Стационар усулдаги кузатишишлари фан ва амалиёт эҳтиёжларини ҳисобга олиб, мутахассислар томонидан маҳсус тузилган ягона дастур ва қўлланмаларга қатъий амал қилган ҳолда бажарилади. Мамлакатимиз дарёлари, кўллари, сув омборлари, ва музликларида бу ишлар, асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Гидрометеорология Бош Бошкармаси тизимиға қарашли 180 га яқин гидрологик станциялар ва кузатишиш жойлари(постлар)да амалга оширилади. Айрим ҳолларда бу усулдаги тадқиқотлар тегишли муассасалар, масалан, Кишлок ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли кузатув жойларида ҳам ўтказилади.

Экспедиция усулида маълум худудда нисбатан кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган сув обьектлари, тўғридан-тўғри дала шароитида, умумий тарзда ёки аниқ бир йўналишдаги мақсадни кўзлаб тадқиқ этилади. Бу усулда бажарилиши зарур бўлган

гидрологик ўлчов ва кузатув ишлари мажмуси, экспедиция олдига күйиладиган вазифаларга боғлиқ холда, олдиндан тузилган ластурла батағсил күрсатилган бўлали. Экспедиция шароитида, асосан, маконда кеңг миқёсда ўзгарувчи, лекин маълум вақт ичизда кам ўзгарадиган гидрологик ҳодиса ва жараёнлар тадқиқ қилинади. Ўрганилаётган ҳудуд гидрографик тармокларида ишебатан киска муддатда (бир печа ойлардан то бир-икки ва баъзан ундан ҳам кўн йилларда) ўлчов ва кузатув ишлари бажарилиб, керакли маълумотлар тўпланади.

Тажриба-лаборатория усули сувнинг табиий ва химиявий хоссаларини аниглаш, гидродинамик ҳодисаларни ва бошқа жараёнларни моделлаш шароитида ўрганиш имконини беради. Тажрибалар лойиҳа-имтий тадқиқот институтларида, махсус ускупа ва қурилмалар билан жиҳозланган лабораторияларда амалга оширилади. Бу усул айниқса гидротехник иншоотлар (ГЭС, сув омборлари, каналлар)ни лойиҳалаш вақтида керак бўладиган кўшина асосий кўрсаткичларни ва кечиши мумкин бўладиган ҳодисаларни моделлаш орқали аниглашда жуда кўл келади.

Юқоридагилардан ташкири **пазарий таҳлил** усули ҳам мавжуд бўлиб, бу усул кузатиш маълумотларидан ва бопкә турдаги ахборотлардан имтий хулосалар чиқаришга асосланганadir.

Шакланиш ва ривожланиш босқичлари. Таникли олим О.А.Спенглернинг ёзипича гидрология ҳақидаги илк фикрлар бундан 6000 йил аввал қадимги Мисрда пайдо бўлган. Ўша пайтдаёқ мисрликлар оддий гидрологик кузатишларни амалга оширганлар. Улар хозирги Асвон тўғонидан 400 км юқорида тоғ қояларида сув сатхининг ўзгаришини белгилаганлар. Нил дарёсида бўладиган ҳар йилги тошқинни қайси вақтда кузатилгандигини қайд қилиб боргандар. Кейинроқ эса қуий Нилда 30 га яқин ўз даврига хос бўлган "гидрологик" кузатиш жойлари (постлар) ташкил этилган. Апа шулардан бири Қоҳира яқинидаги сақланиб қолган "Нилометр" бўлиб, у юксак дид билан ишланган ажойиб архитектура ёдгорлиги ҳисобланади.

Қадимги мисрликларни юқоридаги ишларни бажаришга ҳаёт талаби мажбур қилган, чунки ҳосил тақдирни дарёдаги сувнинг оз ёки кўплигига боғлиқ бўлган. Демак, гидрология ўша даврдаёқ инсон эктиёжини қондиришга хизмат киладиган ҳаётий фан бўлган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, гидрология қадимги Мисрдаги кузатишлардан бошланниб, токи алоҳида фан бўлгунга қадар бир неча минг йиллар ўтиб кетди. Гидрологиянинг ривожланиши тарихида XVII аср охирида франсуз олимлари П.Перро ва Е.Мариотт амалга оширган ишлар катта аҳамиятга эга бўлди. Улар Юқори Сена дарёси хавzasига ёккан атмосфера ёғинларини ва дарёдаги сув миқдорини ўлчадилар. Натижада улар сув мувозанатининг асосий ташкил этувчилари орасидаги муносабатни аниқладилар ва "дарёлар ер ости сувларидан ёки қандайлир манбалардан ҳосил бўлади" деган чалқаш фикрларга барҳам бердилар.

Ўрта Осиёда гидрологиянинг ривожланиш тарихи марказий Осиё -Туркистон мисолида В.В.Бартолд, Я.Ғ.Гуломов каби олимлар асарларида, яхши ёритилган. Сув ҳаёт билан тентлашириладиган ўлкамиздан кўллар, дарёлар, сойлар, булоқлар ва ҳаттоқи унини баланд тоғларидаги доимий корликлар ва музликлар тўғрисидаги билимлар асрлар давомида ҳалк хотирасида, тарихий-археологик ёдгорликларда, ёзма манбаларда тўпланиб келган.

Академик Я.Г.Руломов маълумотларига кўра, юртимизда сұғорма дехқончилик янги эрадан олдинги 6000 йилликда хам мавжуд экан. Милоддан олдинги 4000 йилликнинг иккинчи ярми ва 3000 йилликнинг бошларида дарёлар суви тўсилиб, кичик каналлар хам казилган. Қадимшунос олим Г.Н.Лисицинанинг гувохлик беришича, ана шундай каналлар Туркманистондаги Тажан дарёсининг калимий делтасида қазилган бўлиб, уларнинг узунлити 2,5 км дан ортироқ, кенглиги 3,5-5,0 м, чукурлиги эса 1,2 м гача бўлган. Кейинчалик, янги эрадан олдинги 2000 йилликда шу усулда сұғориш Сурхонлар ё водийсида, Фарғона водийсининг шаркий қисми (Чуст)да, Амударё делтасида, Зарафшон бўйларида хам кўпланила бошлаган. Бу жараён тобора ривожлана бориб, янги эранинг бошларида каналлар нисбатан узайтирилган, улардан кичик-кичик сув тақсимлагич тармоқлар-ариқлар хам қазилга бошланган. Бу даврларда ларёдан олиналитан сув миклори бевосита унлаги сув режимига боғлик бўлган.

Ўрта асрнинг буюк олими **Мухаммад ибн Мусо ал-Хорзмий** (783-850 йиллар) ўзи бошчиллигига тузилган "Маъмун дунё харитаси" (проф.Ҳ.Ҳ.Ҳасанов ибораси билан "Дунё атласи")га изоҳ сифатида "Китобу сурат ал-арз" ни битади (**арз**-ер, сурат-кўриниш, киёфа). Унда шаҳарлар, тоғлар билан бир қаторда денгизлар, дарёлар ҳакида хам маълумотлар келтирилади. Юкоридагилардан ташқари китобда "Гарбий ташки денгиз" (Атлантика океани), "Қулзум денгизи" (Қызыл денгиз), "Яшил денгиз" (Ҳинд океани), "Чашма (булоқ) помлари" каби сарлавҳали гидрографик баёшомалар бор. Юкорида тилга олишган "Атлас"да эса Нил дарёси ҳавзасининг, денгизлар кирғоклари турли шакларининг чизмалари, Азов ва Қора денгиз хариталари берилган.

Аҳмад ал-Фарғоний (797-861 йиллар) бошқа фанлар билан бир қаторда сув илмининг хам катта билимдони бўлган. Бу ҳакда Ҳ.Ҳ.Ҳасанов шундай ёзди: "Фарғоний Ҷоғод халифаси ал-Мутаваккилнинг буйруғи билан Нил дарёсида сув сатхини ўлчайдиган асбобни тузатиш ва ўрнатиш учун 861 йилда Фустот (Қоҳира) шахрига борган". Шу давргача у Нил дарёсининг гидрологик режими ва умуман сув илми ҳакида маълум билимларга эга бўлган бўлиши керак. Акс ҳолда олдингилардан тубдан фарқ киладиган мураккаб ва шу билан бирга ўта мукаммал сув ўлчаш интиооти-"**"Пилометр"**ни лойиҳалаш хамла куриш ишлари унга тоширилмаган бўлур эди. Шарқ манбаларида у "**"Миқёс ан-Нил"**" деб тилга олинади.

Абу Райхон Берунийнинг деңгизлар назарияси. X-XI асрларда яшаган олимлар сув илми-гидрологияга катта аҳамият берганлар. Улар орасида Абу Райхон Беруний (973-1048 йиллар)нинг ушбу фаннинг шакланиш ва ривожланиш жараёнига қўшган хиссаси бекиёсdir. Унинг "**"Ўтган авлодлар ёдгорлиги", "Хиндистон", "Ат-тафқим", "Қонуни Масъудий", "Геодезия", "Минерология**" каби асарларида океанлар, денгизлар, дарёлар, кўллар, булоқлар ҳакида гидрология фани учун кимматли фикрлар баён килинган.

Маълумки, гидрология ўрганиладиган сув объектларининг тури ва ўрнига кўра икки кисмга-океанология ва куруклик гидрологиясига бўлинади. Беруний асарларида гидрологик маълумотларни хам шартли равишда икки гурухга ажратиш мумкин: биринчи гурух маълумотларда океанлар, денгизлар, кўрфазлар ҳакидаги фикрлар баён килинса, иккинчи гурухда еса алломанинг куруклик сувлари- дарёлар, сойлар, булоқлар, кўллар, корликлар, музликлар, ботқоқликлар ва ҳатто ер ости сувлари ҳакидаги илмий қарашлари ёритилган.

Хулоса қилиб айтганда ишон ҳаётида сувнинг роли алоҳида аҳамиятта эгадир. Жамиятдаги барча ривожланишларнинг нетизида сувнинг таъсири асосий ўринни эгаллайди.

Шунни инобатта олган ҳолда ҳозирги кунда таълим тизимишинг барча боскичларида сувдан фойдаланиш, унинг аҳамияти, пайдо бўлишига оид маълумотларни бериб бориш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу соҳада “Гидрология” фани алоҳида аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. В.Н.Михайлов, А.Д.Добровольский, С.А.Добролюбов. Гидрология. Москва.2007 г
2. Е.Г.Попов ГИДРОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОГНОЗЫ. Ленинград. Гидрометеоиздат 1979
3. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Suv>